# Ўзбекистонни ўз тилида араблар ўрганмоқда

Боши биринчи бетда

«Марказий Осиё Чингизхон ва унинг сулоласи ҳукми даврида» деб номланган бобда мўғуллар истилоси натижасида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилиб, одамлар қирғинбарот қилингани, илм-фан ва маданият таназзулга учрагани ишончли тасвирлаб берилган.

«Марказий Осиё Амир Темур ва темурийлар даврида» деб аталган ўнинчи боб ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. У китобнинг энг муҳим қисмларидандир. Мустақиллик шарофати билан, муаллифлар, тарихий манбаъларга асосланиб, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга муваффақ бўлганлар, дейиш мумкин. Амир Темурнинг нафақат Туркистон тарихи, балки бошқа (масалан, Русия, Европа) халқлари тақдирини белгилашдаги муҳим ўрни ҳам ишончли ёритиб берилган. Бу ёндошув Амир Темур ҳазратларининг йирик давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, буюк саркарда сифатидаги ёрқин фаолиятини ажнабий китобхон, жумладан, арабларга ҳаққоний очиб беришга хизмат қилади. Темур ва темурийлар давридаги улкан бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият равнақи ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинади.

Асарнинг муҳим қисмларидан яна бири, шубҳасиз, «XIII—XV асрларда илм-фан, маданият ва мафкура» деб аталган бобдир. Унда мўғул босқини оқибатлари бартараф этилгач бунёд этилган йирик иншоотлар бирма-бир санаб ўтилади. Илм-фан ва маданият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган олиму уламоларимиз ҳақида сўз боради. Нақшбандия таълимотининг асосчиси — Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва мероси, тариқатнинг йирик намояндаларидан Абдулхолиқ Ғиждувоний, шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги муфассал маълумотлар араб китобхонларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Ўн иккинчи боб Марказий Осиёнинг феодал тарқоқлик ҳолатига тушиб қолиши, Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги, бу даврда содир бўлган воқеаларга бағишланган. Бухоро хонлигининг ташкил топиши, унинг асосчиси Абдуллохон давридаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг шарҳи ҳам шу бобда келтирилган. Ички ихтилофлар ва ўзаро адоватга қарамасдан, Бухоро хонлигида илм-фан ва маданият ривожланганини ҳам алоҳида таъкидланади. Мазкур бобда Хива хонлигида содир бўлган энг муҳим сиёсий воқеалар ва маданий ҳаёт ҳақидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бу қисмда Қўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳақидаги тарихий маълумотлар билан биргаликда, унинг маъмурий тузилиши тўғрисида ҳам ҳикоя қилинган.

«Туркистон — рус мустамлакаси» ва «Ўзбекистон советлар ҳукми даврида» бобларида Чор Россиясининг Марказий Осиёни забт қилиш йўлидаги илк ҳаракатлари, XIX асрнинг олтмишинчи йилларидан эътиборан эса, уни босқичма-босқич истило этиб, мустамлакага айлантиргани баён этилган. Туркистон халқларининг рус мустамлакачиларига қарши курашлари, Жиззах, Тошкент, Дукчи эшон қўзғолонлари ва бошқа миллий озодлик ҳаракатларига кенг ўрин берилган.

XIV бобда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон халқларининг миллий озодлиги ва қонуний ҳуқуқлари йўлида олиб борган қаҳрамонона курашлари, жумладан, «босмачи» деб тамғаланган миллий озодлик ҳаракатининг муҳим сиёсий томонлари ёритиб берилган. Унда шўро ҳукмронлиги йилларида содир бўлган энг асосий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳам бирма-бир санаб ўтилган.

Охирги боб — «Мустақил Ўзбекистон» деб аталади. У Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларга бағишланган. Мамлакатимиз биринчи Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида қўлга киритилган оламшумул ютуқлар, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият томонидан тўла эътироф этилиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, раҳбариятимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги самарали фаолияти ҳар томонлама чуқур ёритилган. Мазкур бобда Президентимиз томонидан олға сурилган беш асосий тамойилга асосланган ва халқаро миқёсда ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган ислоҳотлар йўли ёритиб берилган. Унинг охирида мустақиллик даврида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги энг муҳим воқеаларнинг хронологик мундарижаси келтирилган.

Албатта, бу каби йирик асар айрим хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Улар жумласига китобда қўлланган баъзи истилоҳларни араб тилига ноаниқ таржима қилинганини киритиш мумкин. Айрим шахслар ва жойлар номларининг арабча шаклида жузъий хатоларга йўл қўйилган. Масалан, машҳур олим ас-Самъоний — ас-Сайъоний, аллома Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари — «ал-Ҳидод» бўлиб қолган. Гарчанд асар ўз мазмун-моҳияти ва таркибий тузилиши жиҳатидан «Ўзбекистон қадимги замонлардан бугунгача» деган номга тўла мувофиқ бўлса-да, унинг арабча нашри «Ўзбекистонда араблар ва ислом. Марказий Осиёнинг қадимги даврлардан ҳозиргача тарихи», деб номланган. Ношир тижорий нуқтаи назардан келиб чиқиб, китобни араб китобхонларига мослаб шундай атагани сезилиб туради.

Кўрсатилган ва айрим бошқа камчиликлар асосан араб ёзуви хусусиятлари билан боғлиқ техник характерга эга. Китобнинг кейинги нашрларида уларни осонлик билан бартараф этиш мумкин. Шуни таъкидлашни истар эдикки, жузъий камчиликларига қарамасдан, бу каби йирик асарнинг араб тилида нашр этилиши — Ўзбекистон ва ўзбек халқининг буюк тарихи, ҳавас қиларлик салоҳияти ва иқтидори ҳамда нурли келажагини дунё аҳлига тўғри ва ишончли тарзда кўрсатиб беришдек олий жаноб мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу муносабат билан, ноширнинг келажакда асарни бошқа жаҳон тилларига ҳам таржима қилиб, бутун дунё бўйлаб тарқатиш ниятида эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Қандай бўлмасин, мазкур асар кўҳна ва бой тарих, улкан маънавий мерос яратиб, азалдан дунё илм-фани ва маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшган Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидаги салмоқли ўрни, буюк алломалару йирик давлат арбобларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқат, истиқлол туфайли, рус истилоси, советлар тузумининг заҳарханда мафкуравий тазйиқидан халос бўлганимиз, тарихимиз, маданий меросимизни бирёқлама сохталаштириш ва чеклаш азобидан қутулганимизнинг ёрқин ва таъсирчан ифодасидир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

*Сайёрамизда озиқ-овқат муаммолари*

# УМИД ОКЕАНДАН

БМТ статистикасига кўра, сайёрамиздаги одамлар сони ҳар йили 1,9 фоизга кўпаяди, бу 75 миллион инсон демакдир. Соҳа мутахассислари — демографларнинг уқтиришича, сайёрамизда аҳоли сони 2000 йилга бориб 7 миллиард бўлмаса ҳам, 5,5—6 миллиард бўлиши аниқ. Умуман олганда, бунда сайёрамизда ҳозирги кунда ҳар икки кишининг бири тўйиб овқат емагани каби ҳеч қандай янгилик йўқ. Бу тўйиб овқат емаслик даражаси яна ҳар бир мамлакатнинг иқлим ва географик жойлашиш шароитлари ва унда яшайдиганларнинг сиёсий-ижтимоий аҳволи билан ҳам боғлиқдир. Бинобарин, озиқ-овқат миқдорига талабнинг ошиб бориши билан унинг сифатига ҳам эҳтиёж тинмай ўсиб боради. Саноати тараққий этган мамлакатларда сифатли озиқ-овқат истеъмол қилингани сабабли, уларда ортиқча озиқ-овқат кўпайиб, исрофгарчилик юзага келса, тараққий этмаган давлатлардаги халқларнинг кундалик овқатида оқсил моддаларининг доимий етишмаслиги одатий ҳолга айланган. Зеро, физикадаги туташ идишлар қонуни бўйича озиқ-овқатни баробар тақсимлаш ҳозирги аҳволда жуда ҳам мушкулдир.

Хўш! Бу оғир жумбоқдан қандай қилиб қутулиш йўллари бор? — деган савол пайдо бўлиши аниқ. Ахир, Осиё, Африка ва Жанубий Америка халқлари очлик ёки тўйиб овқат емасликдан зудлик билан қутулишни талаб қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам, у мамлакатларнинг кўпчилигида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтиришга асосий диққат-эътиборни қаратмоқдалар. Бу йўлда уларга халқаро ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) катта ёрдам бермоқда. Бу билан ҳаётий зарур озиқ-овқат масаласи ҳал бўлди, дейиш қийин, албатта. Ҳаливери инсоният куни тартибидан тушмаса керак. Нега десангиз, мана, кейинги 10 йиллар давомида «учинчи дунё»нинг аҳоли бошига тақсимланадиган озиқ-овқат миқдори озгина бўлса ҳам ошмаётир. Балким, экинзорлар майдонини ошириш керакдир? Лекин кўпчилик билармикин, сайёрамиздаги ҳосилдор ерларнинг 4 дан 3 қисми аллақачонлар ўзлаштирилган ва юқори ҳосилдор ерлар «озиб» кетган. Бунинг устига тўрт золим чавандоз ҳамон от чоптирмоқда. Уларни биласиз: вайроналик, урушлар, очлик ва ўлим. Йўқ! Инсоният бу чавандозларни рад этади, уларга қарши курашади. Бизнинг Миллий тикланиш партиямиз ҳам мана шу кураш ичидадир.

Бас, шундай экан, инсоният озиқ-овқат захираларини тўлдирадиган манбаларни қуруқликдан ташқари — дунё океанларидан қидириш хулосасига келади. Чунки бу бепоён манбанинг жуда озгина қисмигина ҳозирги кунда инсониятга хизмат қилмоқда. Бинобарин, бошқа йўлнинг ўзи ҳам йўқ!

Дунё океанлари фақат биргина озиқ-овқат муаммосини ҳал этибгина қолмай сон жиҳатдан тез ўсиб бораётган аҳолининг бошқа хом ашёлар ва энергияга бўлган талабини ҳал этиши ҳам реал ҳақиқатдир. Иқтисодчиларнинг ҳисоблашларига кўра, яқин 15—20 йиллар ичида минерал хом ашёларга бўлган талаб 2—3 баробар ошади: алюминий бокситларига талаб — 10,5 фойиз, қалайига — 1 фойиз, темир ва мисга — 5—6 фойизга ортади. Шунга қараб қуруқликдаги минерал хом ашёларнинг таннархи йил сайин кўтарилади. Чунки уларнинг осон ва арзон қазиб оладиган қатламлари камайиб бормоқда, минераллар ер қаърига «кириб» кетмоқда. Уларни қазиб олиш ҳамда қиммати сотувчи ва олувчиларнинг алоқаси ёки сиёсий **конюнктура** билан аниқланадиган бўлиб бормоқда. Бунинг устига-устак минерал хом ашёларнинг айрим қисмлари стратегик хом ашё ҳисобланиб, вақтинча уларни қазиш тўхтаб қолмоқда. Буни асло унутмаслик керак.

Шундай қилиб, тараққий этган давлатларнинг кўпчилиги минерал хом ашёларни чет эллардан излашга мажбур бўлмоқдалар.

Яна асосий емиш манбаи океан деган масалага қайтайлик.

Океан ҳамма вақт одамларни боқиб келган. Қадимдан одамлар океандан балиқ овлаб, моллюска ва қисқичбақаларни ушлаган. Ҳозир океанда балиқ тутиш кескин ўзгарди ва ўзгармоқда. Балиқ овлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида балиқларнинг айрим турлари йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Балиқ тўдалари эндиликда гидроакустик аппаратлар ёрдамида тез излаб топилмоқда ва уларга ёппасига «ҳужум» қилинмоқда ва шу ондаёқ уларни қайта ишлаш усуллари — консерва қилиш такомиллашмоқда. Улар қатори оқсил манбаи — балиқ уни тайёрлаш ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳозирда океан инсонларга зарур оқсилнинг 10 фоизинигина бермоқда. Бу океан эҳсонидан ваҳшиёна фойдаланиш деган сўз эмас, албатта. Ўсиб бораётган техник тараққиётга суяниб иш тутадиган бўлсак, океан ҳам қашшоқланиб қолиши турган гап ва бу ўзимиз ўтирган шохни тагидан арралаш демакдир.

Океан турли балиқлар қатори фитопланктон — сув ўтлари ва зоопланктонга ҳам жуда бойдир. Улар унча лаззатли бўлмасалар ҳам инсон учун зарур озуқа бирлигига эгадирлар. Ален Бамбар Атлантик океанини кесиб сузганда улар билан овқатланган. Ҳозирги кунда Оврўпо ресторанларида турли махлуқотдан, чунончи, илон, қурбақа, чигирткалардан турли ноёб таомлар тайёрланмоқда ёки шоколадлар ичига қизил чумолилар солиб пиширилмоқда. Балки яқин вақтларда планктонлардан ҳам ажабтовур таомлар ҳозирланар. Нега десангиз, бу планктон билан овқатланадиган сут эмизувчи китларнинг оғирлиги 150 тоннага етади.

Булардан ташқари океанларда ўта чуқурликларда яшовчи балиқлар ҳисобига ҳам инсоният ўз озуқа турларини ошириши мумкин. Япония кейинги йилларда Тинч океанида сайра балиғи турига кирувчи балиқларни овлаш ва улардан озиқ-овқат маҳсулоти олишга кўп сармоя ажратмоқда.

Океаннинг асосий эҳсони ҳисобланган балиқларни тутиш ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки балиқлар совуқ қонли жониворлар бўлгани учун улар очиқ ҳавода тез бўғилади. Шунинг учун уларни дарҳол қуритадилар, тузлайдилар ва дудлайдилар, консервалайдилар. Балиқларни кўплаб овлаш улардан балиқ уни тайёрлаш заруратини юзага келтирди. АҚШ ва Перу давлатлари ҳозирдаёқ бир йилда миллион тонналаб балиқ уни тайёрлаб, чорва ва парранда озуқаси сифатида сотмоқдалар. Америка океаншунос мутахассисларининг фикрича, 10 грамм балиқ талқони (уни) ўрта вазнли одамнинг гўшт оқсилига бўлган кунлик эҳтиёжини қондира олар экан. Яқин ўтмишда Род-Айленд университетида ўтказилган тажриба 5 фоиз балиқ талқони қўшилган нон билан боқилган каламушларнинг оддий нон билан боқилганларидан 5 баробар тез ўсиб ривожланганлигини, 10 фоиз балиқ талқони қўшиб тайёрланган нон берилган каламушларнинг эса вазни 8 баробар тез ортганлигини кўрсатди. Лекин бу ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкаси учун «анқо уруғи» — оқсил муаммосини ҳал этолмайди. Бунинг устига-устак овланган балиқларнинг оқсили, кўп чиқиндилари океанларга улоқтирилмоқда. Уларни ҳам қайта ишлаб инсонлар учун яроқли ва оқсилли озиқ-овқатлар тайёрлаш ҳам океан эҳсонидан тўла-тўкис фойдаланиш демакдир. Бу йўлда олимлар бош қотирмоқдалар. Лекин бу усулда тайёрланган «иккинчи нав» озиқларни ким тановвул қилади деган савол туғилади. Ким ўрнак бўлади? Бу саволга ҳам жавоб йўқ.

Океаннинг озиқ-овқат эҳсонига ундаги беҳисоб сув ўтлари ҳам киради. Исландиянинг ғарбий қирғоқларидаги Брейди-фиорд кўрфазида 1976 йилдан бошлаб сув ўтларидан ярим фабрикат тайёрлайдиган фабрика қурилиб, маҳсулот бермоқда. У бир йилда 7 минг тонна қуруқ сув ўти унини ишлаб чиқармоқда ва уни сотиб олувчилар кундан-кунга кўпаймоқда. Ҳисоблашларга кўра, фабриканинг бир йиллик иш жараёни учун 25 минг тонна сув ўти керак бўлади. У денгиз тубидан сузиб юрувчи чалғи билан ўриб олинади. Ўтларни қуритиш эса бу ердаги иссиқ сувлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Чунки Исландияда иссиқ сув берадиган табиий гейзерфавворалар беҳисобдир. Кези келганда шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳозирда Японияда сув ўтларидан печенелар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Юқорида баён этилган фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, океанлар келгусида Ер сайёрасида аҳоли сони қанчалик ўсмасин, у уларни боқа олади. Чунки унинг озиқ-овқат бера оладиган имкониятидан ҳозирда 1—2 фоизигина фойдаланилмоқда.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог**

## ДЎСТЛИК КОНЦЕРТЛАРИ

***Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қурия давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. «ЎзавтоДЭУ» қўшма корхонаси очилишида қуриялик санъаткорларнинг иштироки, «Хэнде» театр труппасининг ташрифи, Қурия рассомлари кўргазмалари бўлиб ўтаётганлиги, ўзбекистонлик санъаткорларнинг Қурияда ўтаётган турли фестивал ва кўрик-танловда қатнашиб келаётганлари бунинг ёрқин мисолидир.***

***Шу кунларда пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган Қуриянинг «Янги ипак йўли маданияти» фолклор жамоаси ўзининг соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган дастурини намойиш этмоқда. Ушбу дастурда қуриялик санъаткорлар билан бирга Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри актёрлари ҳам иштирок этмоқдалар. Шубҳасиз, бундай ҳамкорлик ҳар икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.***



*Суратда: қуриялик санъаткорларнинг чиқишлари.*

## ЗАМОНАВИЙ ЯПОН ГРАВЮРАСИ

**Ўзбекистонда Япон маданияти ҳафталиги доирасида республика давлат санъат музейида «Замонавий япон гравюраси — 1950-1990 йиллар» деб номланган кўргазма очилди. Унда япон рассомларининг етмишдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.**

**Очилиш маросимида Японияning Тошкентдаги элчихонаси ходимлари, маданият ва санъат муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, рассомлар, санъатшунослар ва бошқалар иштирок этдилар.**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Т. Қўзиев ва Япония элчихонасининг консули Хидеоли Накажима сўзга чиқдилар.**

**Кўргазма 1996 йил 26 декабргача намойиш этилади.**

**Г. ҚУРБОНОВА**

# МУШОҲАДА, МУТОЛАА, МУЛОҚОТ

## Белгия таассуротлари

Эндиликда интеграция кўринишлари маданий алоқаларда, савдо-сотиқда, иқтисодий муносабатларда кўзга ташланаяптики, бундай соғлом муҳит Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати туфайли вужудга келаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу ўринда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг янги шароитда ўзаро яқинлашувининг аҳамияти бор.

Беш-олти йил муқаддам хорижга чиқиш учун Москвадан ижозат сўралар, ойлаб, йиллаб жавоб кутиларди. Ўша давр учун бу одатий бир ҳол бўлган: коммунистик тартиб барча республикаларни занжирбанд этган, ўша ҳукмрон мафкура хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатишни, уларнинг ҳаётини ўрганишни ман этган. Фақат «совет турмуш тарзи» тарғиб қилинган. Ўзбек ва қозоқ, қирғиз ва туркман, тожик ва грузин ўз ҳақини талаб этмаслиги, ўтмишини ўрганишга интилмаслиги, хорижий мамлакатлардагидек ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга одатланмаслиги кўзда тутилиб шундай давлат сиёсати олиб борилгани аён бўлди. Шу боис Президентимиз И. А. Каримов турли мамлакатларга ташриф буюриб, тарихий ҳужжатларни имзолаб, дипломатик муносабатлар мустаҳкам бўлишини таъминлаш борасида фаоллик кўрсатаётганликлари барчамизни қувонтиради, айни вақтда илмий, ижодий, ижтимоий ҳаётимизда, кундалик меҳнатимизда янги марралар белгилашимизни, тинимсиз меҳнат қилишимизни, изланишимизни тақозо этади. Зеро, бу соҳаларда ҳал этилмаган масалалар кўп бўлиб, улар ҳар биримиздан жонбозликни, жасоратни талаб этади. Бундай сўзларни ёзаётганимизга муштарий таажжубланмасин: эски тушунчалардан, андозалардан воз кечиш, кечаги юкдан ниҳоятда талабчанлик билан фойдаланишга ўрганиш осон бўлмас.

... Соҳибқирон Амир Темур авлод-аждодларининг асрий орзусини бажо келтириб ўша Шарқ-Ғарб муносабатлари доимий, самарали бўлишини таъминлаш учун пойдевор яратган. Ҳазрати Алишер Навоий ўзбек ва арман ўлкалари, севишганлари ҳақида шоирона мисралар қолдирган.

Шу каби эзгу ниятларимизга етишаётганимизнинг ёрқин ифодаси сифатида юртбошимизнинг узоқ Белгияга сафар қилишларини, у ерда Олий даражадаги муҳим масалалар ҳал қилинганини кўрсатардик. Хўш, Белгия қироллиги ҳақида нималарни биламиз?

## МУШОҲАДА

Белгия кўчаларининг айримлари кенг. Тошкентни эслатади. Бошқалари нисбатан торроқ. Барчаси кўкатга бурканган. Ўрмонда барпо этилганми бу шаҳар, деб қоласиз баъзан. Шунчалик дарахтлар, майсазорлар, анҳорлар мўл у ерда. Шоҳ кўчаларда йўловчиларни деярли учратмайсиз. Турли маркадаги енгил автомашиналар катта тезликда ғизиллаб ўтадилар. Кўчани кесиб ўтмоқчи бўлсангиз, бироз кутиб қолишингиз мумкин. Буни ҳам ҳисобга олишган: темир устунчаларга кнопкалар ўрнатилган. Улардан бирини боссангиз, сизга йўл очилади-ю, автомашиналарга бекилади — қизил чироқ ёнади. Машина салонида ўтирганлар (жумладан, ҳайдовчи ҳам) табассум билан қараб қоладилар. Умуман, брюсселликлар меҳмонларни ҳурмат қилишади, гапингизни ҳеч бўлмай, сидқидилдан тинглашади. Салом-аликни канда қилишмайди. Автомашина ҳайдовчиси ҳамда йўловчи ўртасидаги ҳурматни алоҳида таъкидлардим. Бир гал майсазордаги узун, гўзал бир сўқмоқ бўйлаб кетаётиб, рўпарамдан келаётган икки қарияга аҳамият бермаган эканман, улар одоб сақлаб, бир четга ўтиб йўл бўшатаётганларини кўрдим-у, уялдим. Мендан норози бўлгандирлар, деб ўйлаб, хижолат аралаш уларга қарасам, табассум ила саломлашиб, ҳазиллашиб, набирам Алижоннинг бошини силаб, француз тилида эркалаб аста узоқлашдилар.

Маданият юксаклиги шундай оддий муносабатларда ҳам, буюк шахсларнинг уй-музейларини авайлаб сақлашларида ҳам, мутолаага ўч бўлишларида ҳам, байрамларини ортиқча дабдабасиз, гул, мусиқа, нафис тасвир, нозик бўёқлар қўмагида, оммавий сайилларда нишонлашларида, ўтмишларини меҳр, ҳаяжон билан таърифлашларида ҳам кўринади.

Кутубхоналар ниҳоятда озода, замонавий техника ёрдамида китобхонга хизмат қилади. Китобни каталогдан излаб, шифрни ёзиб ўтирмайсиз. Бу ишни компютер бажаради. Озгина фурсатда зарур ахборотни, сўнгра истаган китобингизни олиб, мутолаа билан банд бўлишингиз мумкин. Сиз кирган кутубхонада бирор китоб бўлмаса, компютер қайси шаҳар ва мамлакатнинг (компютерларнинг ягона мажмуасига кирган давлатларнинг) қироатхонасида бу асар мавжудлигини аниқлаб беради.

## МУТОЛАА

Брюссел университетининг қироатхонасида устоз ва шогирдлар ёнма-ён ўтириб турли тилларда чоп этилган тадқиқотлар, рисолалар, мақолалар тўпламларини ўрганаётганларини кўрдик. Ўзимиз ҳам компютер ёрдамида зарур асарни топиб, чироқ ва ускуналар билан жиҳозланган хонада мутолаа қилдик. Жавондаги китобларнинг (улар кўпроқ француз тилида) мазмуни ҳам, нашр этилиш йўллари ҳам қизиқтирди бизни. Турли қитъалардан келган ёшларнинг саволларига жавоб бердик. Ўзимиз ҳам университет фаолияти тўғрисида маълумот олдик. Масалан, мана бундай тафсилот: талаба уйига икки ҳафтага хоҳлаган китобини олиб кетиши мумкин. Китобни ўз вақтида қайтармаса, 200 франк жарима тўлайди. Китобни қайтаргунга қадар ҳар куни яна 10 франкдан жарима тўлаб туришини, бу асарни йўқотиб қўйган бўлса, худди шундай китобни топиб кутубхонага қайтариши зарурлигини ҳам айтдилар. Лекин китобни уйга олиб кетишга кўпинча зарурат ҳам бўлмас экан: талаба, муаллим махсус машинада ундан нусха олиши мумкин. Бунинг учун бир саҳифага икки франк тўлар эканлар.

Брюссел университетининг профессорлари, масъул ходимлари билан суҳбатлашиб қуйидаги маълумотларни ҳам олдик: биринчи курсга 25 минг франк тўлаган йигит ва қизларнинг барчаси қабул қилинар экан. Имтиҳон ёки тест синовлари эса иккинчи курсда бўлар экан-да, унда етарли бал ололмаганлар талабалар сафидан чиқарилар экан. «Таниш-билиш», «ошна-оғайнигарчилик» тушунчалари мутлақо бўлмагани туфайли ҳар ким мустақил равишда илм олишга, маърузаларни тинглашга, ўзлаштиришга интилади.

Университет филолог, журналист, математиклар билан бирга олий маълумотли инженерларни, шифокорларни ҳам тайёрлаши диққатимизни тортди. Зеро, шундай бўлганидагина олий ўқув юрти «университет» (яъни мажмуа, йиғинди, жамулжам) номини оқлайди.

Илмий фаолият хусусида гап кетганида эса биз Брюссел университетида славян ва фламанд адабиёти қиёс қилинган ҳолда ўрганилиши жараёни билан ҳамда бошқа масалалар билан танишдик-да, Ўзбекистонда, хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги университетда, унинг журналистика факултетида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзладик. Ҳамкасбларимизни икки масала айниқса қизиқтирди: миллий-маданий меросни аудиовозда санъатлар нуқтаи назаридан ўрганиш, ўзлаштириш муаммолари ҳамда тоталитар тузум ўқув жараёнига, жумладан, дастур ва қўлланмаларга кўрсатган таъсири оқибатларини бартараф этиш ва замон талабларига жавоб берадиган дарсликлар яратиш масалалари. Бу хусусдаги фикр-мулоҳазалар ўрганилиши, янги учрашувларда давом этиши зарур, деб топилди.

## МУЛОҚОТ

Университет биносининг ёнгинасидан трамвайлар кетма-кет ўтиб туради. Замонавий кўринишга эга бўлган, юмшоқ ўриндиқлар, компютер билан жиҳозланган бу трамвайларни йўловчилар бекатларда лозим бўлганида қўл кўтариб тўхтатадилар. Дарвоқе, Тошкентга илк бор ўша ердан — Белгиядан трамвайлар келганини эсладик. Ўшанда баҳайбат трамвай вагонлари пўлат издан зўр-базўр силжишини, уларни электр токи ёрдамида эмас, от кучи билан ҳаракатга келтиришганини, шу боис уни «конка» дейишганини кўп эшитган эдик.

Трамвайдан тушиб, автомашинага ўтириб телевизион минора томон йўл олсангиз, тезда Брюсселнинг машҳур телемарказига етиб борасиз. Биз ҳам шундай қилдик.

Минора ёнидан ўтиб, кўпқаватли бино томон йўл олдик. Ҳамкасбларимиз кутиб олишди. Аввал пулт олдида, ахборот тайёрланадиган хоналарда, сўнгра кўрсатув эфирга узатиладиган студияда узоқ суҳбат бўлди.

Брюссел телевидениеси ҳар куни 75 дақиқа давом этадиган ахборот дастурини тайёрлайди. Беш-олти ходим иштирокида яратилган бу кўрсатувни кўпгина мамлакатлар, миллион-миллион томошабин, тингловчи кўришини, эшитишини билар эдик. Дастурда тасвир бойлиги, ахборот олинган жойлар географияси кенглиги, сухандонлар фақат студияда ўтириб «суфлёр» ёрдамида матнни ўқимаслиги, балки воқеалар содир бўлаётган жойлардан репортаж олиб боришлари ёки хориждаги ҳамкасблари билан эфирда (яъни экранда) мулоқотда бўлишлари, мусиқа ранг-баранглиги диққатимизни тортди. Шу билан бирга, ҳамкасбларимиз телевизион санъат асарлари бўлмиш ТВ спектакл, ТВ филм, видеофилм яратиш, ҳаттоки телепортретлар устида ишлаш учун маблағ етмаслигини ҳам айтдилар. Шунда биз Ўзбекистон телевидениеси тараққиёти учун имкониятлар яратиб берилгани, жумладан, молиявий-техник масалалар ҳал бўлаётгани, бинобарин, телевизион санъат асарларини бунёд этиш имкони мавжудлиги ҳақида ғурур билан сўзладик...

Брюсселдан олган таассуротларимизнинг бир-икки лаҳзаси бу. Икки мамлакат ўртасидаги масофа қисқариб, доимий ишлаб турадиган «кўприк» мустаҳкамланиб бораётган дамда ҳикоямизни давом эттириш ниятидамиз.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

Брюссел—Тошкент

*Фазл, файз, фасоҳат*

# Уни Найзангул дер эдилар

Ёш қайтгач, иш кўпайгандан кўпайиб боравераркан. Бундай қараганда нафақага чиқиб, юкинг енгиллашгандай... Аммо, аслида эса бунинг тамомила акси — ўзингни сира енгил ҳис этмас экансан. Биров сенга ҳеч қандай масъулият юкламасада, ўз зиммангга ўзинг ортмоқлаб олган вазифаларнинг ҳисобига етолмайсан. Бунинг устига тўрингдан бошқа манзиллар яқинлигини ўйлаб, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмай, бу оламдан яхшилик билан ўтиб кетиш кўйида бўларкансан. Ўтган умрингни ўйлаб, номаи аъмолингга нелар ёзилиши устида бош қотираркансан.

Шундай ўй-хаёллар билан кўнглимда қарздорлик ҳисси пайдо бўлди.

Хотира деган нарса ўзи нима? Неча-неча йиллар — қарийб эллик йил муқаддам қисмат дуч келтирган бу кимса ёди, ҳовуз тубига чўккан олма кейин бирдан қалқиб чиққандай, кутилмаганда пайдо бўлди...

Ким эди у Найзангул? Қаерлик? Асли исми нима?

Мен уни ўн ёшимдан таниганман. У кишини кўриш билан тенгдошларим яйраб кетарди... Худди кечагидай ёдимда:

— Найзангул келипти, Найзангул келипти... — дея қўшни болалар кўча бошига югуриб кетардилар. — Чопинглар, томоша кўрсатади-и-и...

Ўн ёшли қизалоқ текин томошадан қоладиган анойи эмас... Оёғимни қўлимга олиб болалар кетидан югураман. Икки ўғли урушда ҳалок бўлган Акбар қассобнинг девори бузилиб кўча билан қўшилиб кетган майдонида хотин-халаж боласини кўтариб, каттароғини етаклаб, кўчиб чиққан. Тўпланганлар катта давра қурган — ўртада ҳалиги Найзангул — гоҳ қўшиқ айтади, гоҳ латифа, гоҳ эртак сўйлайди, гоҳ найрангбозлик қилади...

Биров бир танга, биров ярим танга чақа ташлайди дўппига. Доимо жилмайибгина турадиган, қора қош, сийрак соқол, нимдошгина кийинган бир сиймо. Чеҳрасида меҳр-шафқат, ҳамдардлик барқ уриб турарди. Бу кимса пайдо бўлган жойда хурсандчилик бошланарди... Шаҳарда нима кўп кенг майдон, гавжум гузар кўп. У ёш-қарилargaча манзур томошалар, қўғирчоқ ўйин кўрсатиб, эртак айтиб, қўшиқ куйлаб, ҳаммани севинтирарди.

Кунлардан бир кун укам Эркинхондан сўрадим. У ҳам унутмаган экан. Иним Эркинхон Муҳаммад Саид Аҳрорнинг хотирасидан:

— Ёнларида ашқал-дашқаллари солинган тўрва халталари бўларди. Яна ҳаммавақт қўлга ўргатилган саъвалари бўларди. Маҳаллаларнинг гавжум ерида тўхтардилар. У киши пайдо бўлиши билан атрофларини одамлар ўраб оларди. Халтадан латта қўғирчоқлар олиб, қўлга киярдилар-да, уни ўйнатиб, ашула бошлардилар:

**Том бошида тоғора, Найзангул,**
**Тандир тўла зоғора, Найзангул.**
**Тоғорани ёполмай, Найзангул,**
**Чолу кампир овора...**

Қўлларидаги қўғирчоқни куйига мос ўйнатардилар. Баъзида томошабинлар ҳам ўртага тушиб кетарди. Ёки латта золдир устига воронка ёпардилар. Воронка кўтарилса — тагида золдир бўлмасди. Қизиқиб ўртага чиқиб золдир излаган болабақра асло тополмасди. Найзангул бобо эса бир пайт ўша золдирни аллакимнинг қулоғиданми, ё ўзининг оғзиданми, топиб берарди. Бўларди қарсакбозлик, бўларди қарсакбозлик. Айниқса елкаларида қўниб турадиган саъвага маҳлиё бўлардик. Томоша тугагач, битта-иккита одам атаган тангасини узатганда ҳалиги саъва учиб келиб, тумшуғи билан тангани оларди-да, учиб бориб эгасининг елкасига қўнарди.

* * *

...Орадан ярим аср вақт ўтиб кетган. Бир куни таниқли таржимон ҳамкасабам Ваҳоб Рўзиматов билан шу ҳақда гаплашиб қолдим. Ваҳоб ака эски шаҳарлик — Сағбон кўчасида яшаганлар...

— Найзангулни мен билай-да, — дедилар Ваҳоб ака. — Сағбон кўчасининг бошланишида, Чорсубозордан бу кўчага кириб борганингизда чап тарафда иккинчи почта идораси бўларди. Шундан сал нарида Ҳофизкуйики маҳалласида яшаган, агар мен адашмасам. Ҳа, ростдан ҳам, 1990 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда «Ўзбек халқ ижоди» сериясида унинг «Луқмони ҳаким» деган китоби чоп этилган. Уни Нурали қизиқ дейишарди — Нурали Нурмат ўғли...

«Найзангул» бобога ҳурмат-эътиқодимнинг сабаби бор. Бу киши бундан ярим аср муқаддам менга бир яхшилик қилганлар.

Воқеа бундай бўлган эди. Уруш йиллари... Ўн икки-ўн уч ёшлардаги қизалоқман. Томимиздан чакка ўтардики, асти қўяверинг. Чакка ўтмаган фақат товча қолар эди десам асло лофи йўқ. Уйда бор идишлар хонага қатор териб ташланган — чакка чиқ-чиқлаб ҳоли жонимизга қўймайди. Кун совиб, томдаги қорлар музлаганда чакка тиниб, анча ҳаловат топамиз. Ҳаво сал илиса борми, яна ўша чиқ-чиқлаган қувлаш, уйдан ҳайдаш мусиқаси бошланарди: «Чиқ-чиқ-чиқ, чиқ-чиқ-чиқ...» Ҳали-ҳануз ўша кунларнинг ночорлиги кўз ўнгимда...

Баҳорга чиқиб, томнинг бир тўсини синиб, қийшайиб қолди. Яна босиб қолмасин деб, уй ўртасига тўсинни тутиб турадиган синч қўйишди. Нима бўлганда ҳам ёзга чиқиб, хода топиб, томни тезлаш ҳақида сўз боради уйда. Акам урушга кетиб, хонадоннинг каттаси бўлиб қолганим учунми, бу гапларни ўзимга тегишли деб қабул қиламан ва муттасил ўйлаганим шу бўлади. Пул тўплаш ва хода сотиб олишга аҳд қилдим. Эшитишимча, тўсинга мос битта хода юз сўм бўларкан... Эҳҳе, бу пулни топишни айтингу, эркаксиз хонадонда томни тезлашни айтинг... Бу ишларнинг қанчалар қийинлигини уруш йиллари азоб чекканлар билади.

Хуллас, битта хода сотиб олиш учун бозор билан анча таниш бўлиб қолдим: боғимиздан олиб келинган саржинларни ёриб, укаларим Кенгашхон ва Эркинхонлар билан ҳар куни боғлам-боғлам ўтин тайёрлаймиз ва укаларим ўша ўтинларни бозорга элтиб, ҳар боғламни бир сўмдан сотишади (Ҳар боғлам ўтинга бир ош пишади).

Шундай қилиб, кунлардан бир кун юз сўмни олиб бозорга — Жомеъ масжиди орқасидаги ялангликка бордим. Қопфурушлар қаторлашиб қопларни ёйиб ўтиришибди. Ундан нарироқда ёймачи китобфуруш қариялар. Уларнинг нуроний чеҳраларидан дилим ёришади. Бозорда энг яхши кўрган жойим ўша ер эди. Мактабимиз яқинида бўлгани учун катта танаффусга чиққанимиздами ёки баъзан бўш вақт топсакми, қадрдон дўстим, мен каби етимча ва мен каби китобсевар Инобат билан бошлашиб, бўлса-бўлмаса, шу ерга бориб китоб кўрамиз. Қариялар ҳам бизнинг бирон китобни харид қилмай, бошларини қотиришимиздан ранжимасдилар. Шундай кунлардан бирида биз Абдулла Қодирийнинг араб алифбосида чоп этилган «Ўтган кунлар» романини сотиб олишга муяссар бўлдик. Яна бир куни отам Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг «Хоним қизларимизга тортиқ» деган ўзлари ношир сифатида Бухорода чоп этган китобларини сотиб олдик (Инобат икковимиз отам кутубхонасидаги «Аланга» журналидан араб алифбосида ўқишни ўрганиб олган эдик.) Кунлардан бир кун яна: «Меҳробдан чаён», сўнг «Обид кетмон»ни сотиб олдик. Ўша пайтлар бу асарлар муаллифининг фожиали қисмати ҳақида чала-чулпа эшитганмиз. Романларни ўқиб ўзимизча хулоса чиқарган ҳам бўламиз...

Жоме масжиди орқасида қияликдан пастга қараб тушаверишда — Кўкалдош мадрасаси билан Жоме масжиди оралиғида қатор кетган тунукачилар дўкони... Нарироқда ўтин бозор, кўмир бозор, хода бозор ва яна алланима бозорлари. Бу бозорлар биз ўқийдиган 41-мактабнинг шундоққина девори ортида (Жоме масжиди ўша вақтлар мактабга берилганди. Уруш йиллари ҳам у ерда мактаб иш юритди — кейин қандайдир темирчилик артелига берилдию, путурдан кетди.)

...Ахийри тўсин учун ходани сотиб олдим ҳам. Лекин уни уйга қандай олиб кетаман? Шунда нарироқда бир ўрам арқонни елкасига ташлаб олган бир кимсага кўзим тушди. Соч-соқоли ўсган, юпунгина кийинган. У киши кўзида ёш ғилтиллаб мени кузатиб турарди. Уни дарров танидим — «Найзангул». Ёнимга келди-да, сўради:

— Отанг борми?

— Йўқ...

— Ўлганмилар?

— Бедарак йўқолганлар...

У гарангсиб, индамай қолди. Хўрсинди. Бир нима демоққа чоғландию, фикридан қайтди чоғи, индамади. Бир оздан кейин яна тилга кирди:

— Аканг-чи? Аканг борми?

— Урушга кетганлар. Иккита укам бор.

— Ойинг қани?

— Ойим ишдалар.

— Шўринг бор экан... — деди Найзангул, яна нималардир деб ғудранди. Чуқур хўрсинди. — Шўринг қайнаб қолган экан...

Шўрим қайнамаса... Отагинамни қатор сафдошлари билан она юртини мустақил давлат қилишга уринганлари учун Москвага олиб кетиб, «халқ душмани» деб, айни навқирон ёшида яширинча отишга ҳукм этиб, яширинча отиб, яширинча кўмиб юборганларини билмаганмиз.

— Уйинг қаерда? — сўради Найзангул бобо бир оздан сўнг.

— Ҳовузбоғ маҳалласида... Тоштрамнинг ёнида...

— Мошфуруш тайипни танийсанми?

— Қўшнимиз бўладилар...

— Яқин экан. Юр, мен олиб бориб бераман. Зинғиллаб қайтиб келаман.

— Пулим йўқ-да...

— Пулни қўявер... — деди Найзангул бобо, — қўявер, ўйлама... оҳ, болагина-я... болагина-я... Шўринг қайнаган экан...

У ходани арқон билан чандиб, қўлтиғи остидан ўтказиб орқалади.

Мен олдинда, у кетимда уйга келдик. У пайтларда шаҳар ҳовлимиз Хадрада, Қаландархонанинг шундоққина тепасида эди.

Ҳувиллаган ҳайхотдек ҳовлига кирдик. (Онам ишда, бувим ва тоғаларим дала ҳовлига кўчиб кетишган.) Найзангул бобо ходани ҳовлига олиб кириб қўйди. Менга ўгирилди:

— Хода нимага керак? — сўради у.

Мен индамайгина уни уйга бошлаб кирдим. У тўсиннинг синганини, узун хода билан тираб қўйилганини кўрди. У нима қилиш кераклигини тушунди.

— Менга қара, она қизим, — деди бобо менга ўгирилиб, — агар... агар томингни тезлаб берсам, ойинг уришмайдиларми нотаниш одамни уйга киритибсан деб?..

— Нотанишмассиз-ку... Сизни танийимиз... Ойим ҳам танийдилар...

— Мен кимман?

— Найзангул...

У кишининг жилмайганини кўрдим. Кўзлари чарақлаб духобага ўхшаб юмшоқ бўлиб кетди. Соч-соқоли ўсган бети ёришгандай, тозаргандай бўлди. Жилмайганда бу одам қандайдир нуронийлашиб кетган эди. Агар «Найзангул»ни танимасам қаршимдаги одамни Хизр бобом деб ўйлаган бўлардим.

— Менга қара, она қизим, менга кетмон топиб бер. Зинғилла... — деди у.

Югуриб бориб, майдондаги ўтинхонадан кетмон келтирдим. Унгача у ўзи ўтинхона томон тироғлиқ шотини уйимиз деворига қўйди. Якка ўзи ходани томга тортиб олди. Кейин синиқ тўсиннинг устини очишга тушди: ҳар кетмон урганда «ҳа», «ҳа»лаб том тупроғини пастга ота бошлади...

Бу орада ҳовлимиздаги ҳаракатлардан дарак топган қўниқўшни, бола-бақра йиғилди. Маҳаллада қариялар ва ўспиринлардан бўлак эркак зоти қолмаган эди. Ёрдамлашадиган одам йўқ — ҳамма томошабин эди. (Одатда ўт кетганда шундай бўлади: ҳамма томошабин, «ундай қил», «бундай қил» деб ақл ўргатадию, ҳеч ким жойидан жилмайди.)

Бир маҳал бобо томдаги тўсинни азот кўтардию, ерга улоқтирди.

— Ё раб, ўзинг борсан, борсан! — нидо қилди у. — Норасидаларни ўз паноҳингда асрабсан... ўзинг қўллабсан... Ўзингга шукр, беадад шукр ўзингга, Аллоҳим...

Нима бўлганини тушунмай олазарак бўлиб турганимда (эрлари «халқ душмани» деб қамалиб, отилиб кетган Назир Шоабдурасуловнинг хотини) Ҳалима опоқи:

— Ё тавба, — дея ёқа тутдилар, — Худойим ўз паноҳида асрабдида, сизларни, анави ёққа қара, — дедилар. Ана, анави тўсинни кўр...

Не кўр билан кўрайки, ерда тўсин эмас, унинг кукун бўлиб кетган бўлаклари сочилиб ётарди.

Шу куни Найзангул бобо кечгача ишлади: дам олмади, бир пиёла чой сўрамади. Ахийри ишини битириб, тупроққа қоришиб кетган кийимларини қоқа-қоқа чиқди-кетди.

Менгина қизалоқ раҳмат айтишга ҳам улгурмадим...

Йиллар бир-бирини қувлаб ўтди-кетди. Кейинчалик биз эски шаҳардан кўчиб кетдик ва мен у кишини ортиқ кўрмадим. Мана энди орадан неча-неча йиллар ўтиб «Найзангул» бобонинг қилган яхшилигига яхшилик қайтара олмаганим бир армон бўлиб кўксимда туради...

Жаннатмакон инсон ёруғ дунёни тарк этганига кўп бўлган. «Найзангул» бобо — Нурали Нурмат ўғли кимнинг қандай хизмати бўлса — уй оқлашми, ер чопишми, кўмаклашиб юрган. Тирикчилиги меҳнат билан кечган — ҳалол ризқ терган.

Мана, «Найзангул» — Нурали қизиқ Нурмат ўғли ҳақидаги хотирамни билганимча қоғозга туширдим. Мен билмаганни билганлар таҳририятга хабар қилишса ажабмас. Тошкентнинг олтмишни қоралаган фуқароларининг кўплари бу бағри кенг, одамшаванда кишини билади. Ҳаёт эса оқар сувдай оқиб ўтаверади: баъзан сокин, баъзида тошқин. Аммо нимаики бўлиб ўтса беиз кетмайди. Ҳаётда ҳар қанақа воқеалар бўлиб ўтгани билан бошга солган азиятлар қаторида яхшиларнинг дилингизни яйратган онлари ҳам бўлади-ку. Ёмонликни дилга тугмасдан яхшиларга яхшилик қилишга шошилмоқ керак экан.

Аллоҳ таоло Нурали Нурмат ўғлини раҳмат қилсин.

* * *

Ҳа, айтмоқчи... 1990 йилда чиққан «Луқмони ҳаким» деб номланган китобни топиб ўқидим. Эртак, ҳажвий ҳикоялар, латифалар экан. Бу эртакларнинг ҳаммасини айтиб тургучи ўша, биз, қўрқинчли йиллар ёшлари «Найзангул» деб атаган Нурали Нурмат ўғли экан. Кўнглим ёришиб кетди. Мана қандоқ истеъдод эгаси бўлган экан биз «Найзангул» деб атаган зот! Бу эртак, нақл ва латифаларни унинг тилидан Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти ходимлари Мансур Афзалов, Аъзам Шукуров, М. Тошпўлатова ва бошқалар ёзиб олишган экан.

Ўқиганим сайин бу кимсанинг қомусий билим даражаси намоён бўла боради: болаликдан бувим, онам, тоғаларимдан эшитганим эртаклар, халқ қўшиқлари, нақллари, мақол ва маталлар у кимса тилидан завқ-шавқ билан айтиб берилганини пайқардим.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

# НУРАЛИ БОБОНИНГ СЎЗ ШОВВАЛАРИ

## ИБРАТЛИ СЎЗ

Бир замонда, Қўқон томонда Тожик қишлоқ деган жойда Боймат ака деган бойда қанча боғу роғ, еру сув, молу мулк бор экан; унинг Эгамберди, Холмурод деган ўғиллари бор экан. У Бойматбойнинг қирқта қизил тилласи бор экан, уни ўзию икки ўғли билар экан.

Бойматбой бу тиллаларни оғзи ёлчиб овқат ея олмай, умрида янги чопон кия олмай, ўзини-ўзи хўрлаб-зўрлаб йиққан экан. Ўзининг бойлигини ҳеч кимга билдирмай, иккала ўғлидан бошқа одамни эшигида сақлаб хизмат қилдира олмай, иккала ўғли отанинг «гаҳ» деса, қўлига қўнадиган бўлиб, отасининг чизган чизиғидан ҳеч чиқмасдан юрган экан. Бир куни бой касал бўлиб ётган вақтида икки ўғлининг отасидан бояги қирқта қизил тиллани бериб қўйинг, дейишга оғзи бормабди. Отаси ўлганда, олиб бориб кўмгандан кейин иккала ўғли келиб, отасининг кўрпа-ёстуғ ва энгилларини бурда-бурда қилиб титкилаб қарасалар, бояги қирқта қизил тилладан биронтаси ҳам йўқ. Иккала бола ҳайрон бўлиб, акаси: «Сен олгансан, барисини ўзинг ебсан», —деб укасини урибди. Укаси: «Мен олганим йўқ, сен менга нима дейсан», — деб акасини урибди. Иккаласи бир-бири билан муштлашиб, бирининг оғзи қон, бирининг бурни қон бўлибди. Кўчада қанча одамлар йиғилиб, шундай машмашаи жанжал бўлиб турган вақтда шу маҳалланинг Мирзакарим деган элликбошиси эшитиб келибди.

— Ҳай, Эгамберди, Холмурод, кеча отанг ўлиб, бугун муштлашганингизнинг маъноси нима? — дебди.

Катта ўғли элликбошига қараб:

— Элликбоши ака, отамизнинг эҳтиёт қилиб юрган қирқта қизил тилласи бор эди. Уни мен ҳам, укам ҳам билардик, бошқа ҳеч ким билмас эди. Отам ўлгандан сўнг қарасак, бояги қирқта қизил тилладан биттаси ҳам йўқ. Қидириб ҳеч қаердан топа олмадик. «Сен олдинг олган бўлсанг ярмини бер» десам, у «Сен олгансан, менга нима дейсан», — деб бир-биримизни ўғри қилишиб, уришиб кўчага чиқдик. Бекорга ака-ука муштлашганимиз йўқ, — дебди.

Элликбоши уларга:

— Укалар, мен ҳам хаёлимга келган бир сўзни сизларга айтайинми? — дебди.

Улар:

— Ҳа, қани айтинг, элликбоши ака, — дейишибди.

Элликбоши:

— Айтсам, отанг қаттиқ, дунёпараст, икки пул устида думалоқ ошадиган, бировда бир тангаси бўлса, ололмай шошадиган, тўйга бориб тўймаган, қаттиқликни қўймаган одам эди. Унинг шундай эканлигини менгина эмас, бошқалар ҳам, ўзларинг ҳам биласанлар-ку! Агар майли десанглар, «йўқолибди, йўқолибди», — деб икковинг ҳам ярашинглар. Йўқ, десанглар, мозорга бориб, отангни гўрини очиб, қорнини ёриб қаранглар, тилла отангнинг қорнидан чиқади. Отанг уни ютиб кетган бўлса керак, — дебди.

Ана шундай қилиб ака-укалар ярашиб, бориб оталарининг гўрини очиб, ўликни ташқарига олиб чиқиб, қорнини ёриб қарасалар, қирқта қизил тилла ичагига жойлашиб қолган экан. Уни олиб, ўликни яна кўмишиб, келиб элликбошига:

— Қойил бўлдик сизга, сиз ўргатдингиз бизга, мана бу битта сўм сизга, — деб бир сўмни беришибди. Элликбоши бир сўмни олган экан, чўнтагига солган экан, индамай қолган экан. Шундай қилиб, элликбоши у ёққа кетди, гап жойига етди.



## АЗМОЙИШ ДЕГАН ГАП




Бу гап ҳеч топилмайдиган гап. Бир замони, бир вақтда бир йигит кимнинг эшигига борса, астойдил ишлаб, нимаики берса олиб, чўнтакка солиб, беш-олти йилда уч юз тилла пул топибди. «Энди мен бу пулнинг икки юз тилласини ишонган одамга бериб кетай, юз тилласини олиб, бошқа шаҳарларга кетай,» — деб ўзигаўзи шу гапни маъқул қилиб, икки юз тиллани олибди, кимга беришини билмай қолибди, китоб бозорига борибди. Йигирма дўкон у ёқда,йигирма дўкон бу ёқда — ҳаммаси китоб сотадиган. Ипак саллали, банот чопонли киши китоб сотадиганларнинг оқсоқоли. Унинг олдига аста бориб:

— Мана бу ҳамёнимда икки юз тиллам бор, бу тиллани сизга бериб кетиш кўнглимда бор. Бир йил, икки йил, уч йилдан кейин келсам, шу пулни сақлаб берганингизга ўн тилласи сизга, қолгани менга. Агар уч йилдан кейин қолса, ўшанда ҳам ўн тилласи сизга. Юз тилласини подшоликнинг ғазнасига берасиз. Тўқсон тилласини ғарибу ғурабо болаларга ош, уст-бош қилиб берасиз, — деб берган экан, у олган экан, бу жўнаб қолган экан. Юриб-юриб, бир йил ўтибди, икки йил ўтибди, уч йил ўтибди. Бир вақти келса, девона, гадой тиланчидан ҳам баттар, сочлари, тирноқлари ўсган. Китоб бозорига келиб қараса, ҳожи ўн киши билан гапиришиб ўтирган экан. Келиб:

— Ассалому алайкум, — дебди.

— Ваалайкум ассалом, сиз кимсиз? — дебди.

— Мени танимаяпсизми? Икки юз тилла бериб кетганман, — дебди.

— Ўшамисан,қилмаган туҳматинг менга қолдими? Бу гапни қайси оғиз билан гапирдинг? — дебди.

Сўккани унча, ургани мунча, олгани шунча. «Қандоқ қиламан, оҳ. Бегувоҳ, беисбот берган эдим. Шу ҳолда кета бераманми?» деб бир ариза ёзиб, подшонинг даргоҳига борган экан. Подшо аризани ўқиб:

— Бу бегувоҳ, беисбот берганлиги тўғрисида. Бу бермаган, у олмаган бўлса, бу гап бўлмас эди. Қайси вазирим ақлли, зийрак, донишмандлигини билдирса, хазинамдан ўн тилла ва бош-оёқ сарпо бераман, — дебди. Бир вазири:

— Унинг берганини, бунинг олганини мен билдираман, — деб йигитни чақирибди. — Сиз эртадан кейин масжидга боринг. Биз ҳам шотирлар билан бирга борамиз. Биз масжиддан қайтишимизда жами одамлар тикка туриб салом қилади. Сиз ўтиринг, тикка турманг. Подшо халққа таъзим қилиб, ўтиб бораётганда сизни кўриб қоладилар. Сизнинг олдингизга бориб: «Қалай, эсон-омон, тинчмисиз? Нимага бизнинг олдимизга бормайдиган бўлиб қолдингиз», — дейдилар. «Мана, энди бу ёққа бориб эдик, энди борамиз», денг. Подшо: «Ҳа, бориб туринг», — дейди, — деб гап ўргатиб кетибди.

Шунинг билан ҳамма одамлар ташқарига чиқиб, таъзим қилиб турганда бу жойидан турмади. Подшо кўриб:

— Ассалом, амаким, юрибсизми? Нимага менинг олдимга бормайдиган бўлиб қолдингиз? — деди.

— Сайёҳатга чиқиб кетиб эдик. Уч-тўрт йил юриб келдик. Мана энди бориб турамиз, — деди.

— Ҳа, бориб туринг, бориб туринг, — деб подшо ўтиб кетди.

Бу гап ҳожининг қулоғига бориб етди. Рангида қони қолмай, баданида жони қолмай: «Бу подшога бундай эътиборлик экан», — деб урганига, сўкканига пушаймон еб, ҳамёнини кўтариб келиб икки юз тилла пулни берибди.

— Мана бу ўн тилла сақлаб берганингизга, олинг, — деди. Ҳожи айтди:

— Ўзимизники ўзимизга бўлади, олаверинг.

Иккита шотир у ёқда турган эди. Икковини подшога рўпара қилди. Подшо айтди:

— Икки юз тилла бу бериб кетган экан. Бу келса, танимасликка олиб юрибсиз. Шунга муомала қилиб, ширин сўз билан гапирмаганингиз учун жамики молу дунёнгизни етимесирнинг ҳақига ишлатамиз. Биз ўлган ўликдан фойдаланмаймиз, тирик одамдан фойдаланамиз. Энди сиз кетмон олинг, мардикор бозорига боринг. Кетмон чопиб, ўроқ ўриб, болға уриб овқат топиб ейишингиз керак. Бизга сиздай одам не керак. Эй, ун турмаган элак, сув турмаган челак. Биз подшо бўлсак, мана шундай қилиб топамиз. У ёққа боринг, бу ёққа боринг, қаёққа борсангиз, шу ёққа боринг.

Энди гапнинг бўлгани: «Касалини яширсанг, иситмаси ошкора қилар экан». Бу гапни гапирган, бир минг юз эллик шаҳарнинг сувини ичган, Тошкент шаҳарида турган Нурмат ўғли Нурали найрангбоз.

**Айтувчи: Нурали НУРМАТ ўғли**

*Олис-яқин аждодлар*

# Дорга бош тикканлар



## ҚЎЗҒОЛОН АРАФАСИДАГИ ВАЗИЯТ

*Башариятга ўз бағридан кўплаб буюк алломаю адибларни етказиб берган Туронзамин Афросиёб, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Олимқул додҳо каби улуғ саркардалар ватани ҳамдир. Бундай шижоатли шахсларнинг етишиб чиққани аждодларимизнинг ўз она-Ватанига бениҳоя меҳри муҳаббатлари далолатидир. Айниқса аёл боши билан неча-неча тождорларни мағлуб этиб « енгилмас» деб ном қозонган, ўз қабиласини Кайхисравга қарши курашга отлантириб, аёвсиз жангда ғалабага эришган Тўмариснинг жасорати икки ярим минг йилдан бери жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.*

*Қаҳрамон аждодларимиз, жумладан, Тўмарис ҳам, ўз фаолиятлари ва жамиятдаги мавқеларига кўра ҳарбий ишга моҳир, жанговар кишилар бўлишган. Аммо Турон тарихида яна шундай ҳайратангиз воқеалар ҳам рўй берганки, ижтимоий келиб чиқиши ва касб-корига кўра ҳарб ишидан тамомила йироқ киши ҳам Ватан тақдири таҳлика остида қолган қалтис кезларда минглаб юртдошларимизни курашга чорлаб йирик аскарий бирлашмаларга муваффақиятли бошчилик қилганлар.*

*1365—1366 йилларда Самарқандда кўтарилган сарбадорлар қўзғолони йўлбошчилари ва иштирокчилари ҳам аввал-бошда саркардалик ишидан узоқ, тинч касбкор билан машғул одамлар эди. Аммо мамлакат ҳудудига қонхўр душман бостириб кириб, ерли халқ олдида ҳаёт-мамот масаласи кўндаланг бўлганида, улар қуллик қисматини истамаган халқ орасидан ўзларини намоён қилиб, муносиб сардорлар сифатида ватандошларини курашга отлантирдилар. Вазият тақозоси билан саркардалик, ҳарбий ҳаракатларга бошчилик қилишдек мушкул ва масъулиятли юмушни ҳеч иккиланмай ўз гарданларига олдилар ва бу вазифани шараф билан адо этиб, халқ эркини сақлаб қолдилар. Бир неча асрлардан бери авлодлар таҳсинига сазовор бўлиб келаётган бу улуғ жасорат тасодифан юз берган ҳодиса эмас. Ўша даврдаги тарихий шарт-шароит батафсил таҳлил этилса, сарбадорлар қўзғолони табиий ва қонуний бир тарзда бошлангани аён бўлади.*

*Қўзғолон арафасида ўлкамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият ғоят мураккаб эди. Бу пайтга келиб «Чиғатой улуси» икки қисмга — Мўғулистон ва Мовароуннаҳрга ажралиб кетганди. 1347 йили Мовароуннаҳрдаги турк амирларидан бири Қазоғон мўғул хони Қозонхонни ўлдириб, ҳокимиятни қўлга олди ва шу билан икки дарё оралиғида чингизий хонлар ҳукмронлиги амалда тугади. Аммо Мовароуннаҳр ҳануз чинакам истиқлол ва юксалиш йўлига чиқолмаётган эди. Аввало Мўғулистоннинг чингизий ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлиги тугаганини асло тан олишмас, бу бой ўлкани қайта бўйсундириш учун қулай фурсат пойлашар, ҳар бир имкондан фойдаланиб қонли босқинлар уюштиришарди. Мовароуннаҳрда эса амир Қазоғон ва унинг ўғли амир Абдулла ўлимидан кейин феодал тарқоқлик ҳукм сурарди. Бу тарқоқлик ва ички низолар мамлакатга қандай мудҳиш азиятлар етказганини ўша замон тарихчиси Муиниддин Натанзий шундай тасвирлайди: «Мовароуннаҳрда ҳар куни бир фитна ва ҳар лаҳза бир ғалаён қўзғаларди. Мамлакатда тартибсизлик шу даражага етдики, ҳар лаҳзада юз минг турли балолар юз бериб, ҳар бир фарсанг йўлнинг юз жойида ўғри ва қароқчилар пистирма қўйишарди... Турк амирлари қиличи ва ўқи ваҳмидан Мовароуннаҳрни бутунлай тарк қилиб, Мўғулистонга кетган мўғуллар барчаси биргаликда подшоҳ Туғлуқ Темурни Мовароуннаҳр фатҳига ундай бошладилар».*

*Шу зайл тарқоқлик ва низолар мамлакатга чексиз талофат етказиб, ташқи душманларга қўл келаётгани кўпчиликка аён эди. Шунинг учун ўлкада мамлакатни бирлаштиришга интилувчи, босқинчиликларига чек қўйишни истовчи кучлар вужудга келаётган ва улар қатъий кураш йўлига ўта бошлаганди. Марказлашиш ва истиқлол ғоялари ҳам оддий халқ, ҳам юқори табақалар ўртасида кенг ёйилаётганди. Ватан тақдири учун қайғурган кишилар амирларга ўзаро адоватларни бас қилиб, мамлакатнинг асосий душмани мўғулларни маҳв этиш учун ўз куч-ғайратлари ва лашкарларини бирлаштиришга чақиришарди. Масалан, Муиниддин Натанзийнинг ёзишича, Амир Темур ва Амир Ҳусайн адоватлашиб юришганида Мовароуннаҳрнинг кўплаб сайид, қози, имом ва зодагонлари Амир Темур олдига бориб шундай дейишади: «Дорилислом (ислом уйи — Ғ. К.) Мовароуннаҳрдаги барча тартибсизликлар амирлар ўртасидаги келишмовчиликлар сабабидан содир бўлмоқда. Қай тариқа бўлмасин, бу дунёда ва қиёматда бунинг жазоси берилур. Бу адоват ва хусуматни орадан кўтариб, ботин софлиги билан ўзингиз ва мусулмонлар манфаати йўлида сулҳга ихлос қўймоғингиз вожибдир». Амир Темурга бу сўзлар таъсир қилади. У сулҳ тузишга рози бўлади. Етук саркардалик қобилиятини намоён этган Амир Темур бошқа амирлар мададига таянган ҳолда бир неча шиддатли жангларда мўғулларни тор-мор келтириб, Мовароуннаҳр ҳудудидан улоқтириб ташлайди. Амир Қазоғоннинг невараси Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр амири деб эътироф этилади. Амир Темур эса унинг ўнг қўли, яъни тутган мавқеига кўра мамлакатда ундан кейинги иккинчи шахс эди. Аммо мўғулларга қарши курашда ўзини кўрсатган ва ҳарбий даҳоси билан деярли барча ҳал қилувчи жангларда ғалабани таъминлаган Амир Темурнинг халқ ва аслзодалар орасида обрў-эътибори ва шуҳрати тобора ошиб, у Ҳусайнни сояда қолдираётган эди. Ҳасадгўй Ҳусайнга бу ёқмасди. Фитначилар ҳар икки амир орасидаги муносабатлар кескинлигини янада кучайтиришарди. Оқибатда ихтилофлар яна ўзининг аччиқ меваларини бера бошлайди. Илёсхўжа Мўғулистонда катта лашкар йиғиб, Мовароуннаҳрга қайта бостириб киради. 1365 йил баҳорида Чиноз яқинидаги қонли жангда Мовароуннаҳр қўшини оғир мағлубиятга учрайди. Мағлубиятнинг асосий сабаби, барча тарихчилар бир овоздан таъкидлашганидек, Амир Ҳусайн ва Амир Темур орасида бирлик йўқлиги эди. «Турк амирлари кўч-кўронларини кўтариб, ном ва номусни тупроққа топшириб, шамолдек тез қочиб қолмоқни ғанимат билишди», — дея ўкинч билан ёзган эди замондош муаллиф ушбу машъум мағлубият ҳақида.*

*Мўғуллар билан урушиш учун Мовароуннаҳрдан катта хирож йиғиб олган Амир Ҳусайн хайр-маъзурни насия қилиб, ўлкани ўз ҳолига ташлаб, Жайҳун бўйига қочади. У энди мўғулларга қарши туриш мумкин эмас, деб Ҳиндистонга ўтиб кетишга ҳозирлик кўра бошлайди. Амир Темур Ҳусайннинг биргаликда қочиш ҳақидаги таклифини рад этади, ўз тумани Шаҳрисабзга келиб шошилинч равишда аскар тўплайди. Аммо у илғор тарзида юборган ҳарбий кучларнинг айрим саркардалари хиёнат қилиб мўғуллар томонига ўтиб кетишади. Шу тариқа Амир Темурнинг Мовароуннаҳрнинг қадимий пойтахти Самарқанд мудофаасини уюштириш учун қилган саъй-ҳаракатлари барбод бўлади ва у ҳам Ҳусайн изидан эргашишдан ўзга чора тополмайди.*

*Мамлакат даҳшатли ёв қаршисида ҳимоясиз ва эгасиз қолган ана шу оғир паллада Мовароуннаҳрда янги сиёсий куч — сарбадорлар тарих саҳнасига чиқишди.. Мовароуннаҳр, аниқроғи, унинг пойтахти Самарқандда сарбадорлар қўзғолони қўққисдан кўтарилди. Аммо сарбадорлар ҳаракати бу ўлкада тўсатдан пайдо бўлгани йўқ эди. Ундан қарийб ўттиз йил бурун қўшни Хуросон ўлкасида худди шу ном билан аталган қўзғолон рўй бериб, ҳатто Сабзавор вилоятида сарбадорлар ўз мустақил давлатларини тузишга муваффақ бўлишганди.*

**Давоми тўртинчи бетда**

# Хазонрез

Куз қандай келганини Самандар деярли сезмай ҳам қолди. Мезон ойининг бошларида сафарга кетдию, ўн кунлардан сўнг қайтиб келди. У қайтиб келган куни шаҳарга ёмғир ёққанди. Ёмғир шу даражада енгил эдики, гўё кимдир бутун шаҳар устига ҳўл рўмолчасини бир силкитиб олгандай эди. Шаҳардаги дарахтлар ҳали ўз рангини йўқотмаганди. У кечқурун боғ айлангани чиқди-ю, тонг қолди: бу ерда куз аллақачон бошланган, қуриган новдалар чирт-чирт узилиб тушарди. Энди боғ ёздагидан ҳам кўра аянчли тусда эди, ёмғир тафти аралаш ер ҳиди келаётган бўлса-да, Самандар кўпроқ куйинди ҳидини сезарди. Бу ҳид фаррош аёл болалар боғчаси атрофини супураётганида боғдан учиб борган хазонларни ёқиб юборган жойдан — кекса ёнғоқ дарахти тагидан келаётган эди. Самандарга бу ҳид нохуш нарсадан даракчи бўлиб туюлди.

Бир ҳафталардан сўнг столида уч дона номозшом гулининг сўлиб ётганини кўрди-ю, ногаҳон куз келганини ва бунга ўзининг ишонгиси келмаётганини англади. Гулларни уч кун олдин қизи болалар боғчасидан — гулзордан узиб келганди, сўнг отасига мақтаниб кўрсатган эди: қизи гулни ҳадеб искарди. Самандар ҳатто ақли етмаган гўдак ҳам гўзалликка бунчалар шайдо бўлишини кўриб, хаяжонланиб кетганди. Қизининг юзи ҳам эндигина очилган ғунчадай яшнаб турарди; қизи унинг китоблари билан овора бўлиб, гулни стол устида унутиб қолдирган, у келтирганда гулларнинг сарғиш гулбарглари ҳали сўлим эди. Самандар уч кунча олдин гулларни столида кўриб, ухлаб ётган учта гўдакка ўхшатганди; энди эса, қовжираб қолганда улар болаларга яна ҳам кўпроқ ўхшар, фақат уларда ҳаётдан асар ҳам йўқ эди. Гуллар қуриб малла тусга кирганди. Самандарнинг уларга кўнгли ачишди-ю, столи устидан олиб ташлагиси келмади; гулларнинг биронта ҳам барги тўкилмаганди, улар ўлим билан мардонавор жанг қилганди. Бу йил куз, унинг назарида, бошқача келди. Энди тўкилаётган хазонларни у кузнинг тириклик ва ўлим ҳақидаги қасидаси деб эмас, балки ҳарир кўйлак кийган, хаёлидаги ва боғдаги мусиқага мос рақс тушаётган фаришталар деб ўйлай бошлади. Самандар кечқурунлари ишдан қайтар экан, тролейбус деразасидан баргларнинг қандай тўкилаётганини кўриб, юраги орзиқар, уларнинг бунчалик тез тўкилаётганидан ҳайратга тушарди. Автобус ва тролейбус шарпасидан йўл бўйидаги дарахтларнинг барглари дув тўкиларди. Кечки қуёш шуъласида Самандар баргларнинг қандай ялтираб кетганини ва ҳавода узоқ пирпираб турганини кўрганда, бир пайтлар қандайдир кинода кўрган денгиз чағалайлари эсига тушарди. Чағалайлар ҳам кўм-кўк денгиз устида оғирликларини гоҳ у-гоҳ бу қанотига солиб учар ва тонги қуёшда уларнинг оппоқ қанотлари жилваланиб кетарди. Тўкилаётган барглар эса қандайдир улкан идишдан узлуксиз тўкилиб турган тафтсиз митти юлдузчаларга ўхшарди ва ҳавода узоқ пирпираб туриб қоларди. Самандар шунда таниш ёш шоирнинг куз ҳақидаги сатрларини эсларди ва ҳаёлан бу сатрларни такрорлар экан, шеърдаги ташбеҳдан ҳамиша ҳаяжонга тушарди.

Баъзида деразадан саратонда ўзи бир-бирига тумшуқларини тираб, боғлаб қўйилган қайиқларга ўхшатган шох энди шип-шийдам бўлиб қолганини кўриб, қайиқлар денгиз бўйлаб қаёққадир сузиб кетган, кўрфаз бўшаб, энди фақат феруза денгизгина қолди деб ўйларди. Бу денгизда ҳам тез-тез бўронлар бўлиб турар, уни қоп-қора довуллар қоплар, қийқирганларида тўда-тўда булутларни қайгадир қувиб ўтиб қоларди, жала пайти эса боғдаги хазонлар ростдан ҳам қайиқчалар каби қаёққадир оқиб жўнарди.

Самандар кўнглига оқиб кираётган шу тахлит кечинмалардан ўзини маст бўлиб қолгандек сезарди. У бу туйғулар қалбига оқиб кирган сайин мулоҳазалироқ, мулойим, дилгир бўлиб бораётганини англарди ва ҳозирги ҳаёти аввалги ҳаётидан мазмунлироқ туюларди. У аввалари йиллаб бирон марта ҳам чин юракдан ғуссага тушмаганини, ҳайратланмаганини таажжуб билан эсларди. Ваҳоланки, ўшанда ҳам шу боғ бор эди, куз ўшанда ҳам худди шундай сирли туюларди. Сабабини ўйларди-ю, тагига ета олмасди, лекин менинг бунчалик хазонришта бўлиб қолишимга ўша саратондаги ялпиз солинган шўрва ҳидини эслаганим сабабчи бўлди, бўлмаса мен бу оламда ғафлатда ўтиб кетардим, бу гўзалликларни сезмай қолардим деб ўйлай бошларди. Баъзида эса куз ҳам, боғдаги сукунат куйи ҳам, хазонларнинг рақсга тушаётгани ҳам, кўнглидаги кечинмалар ҳам ва ўзи ҳис этаётган ботиний гўзалик ҳам — ҳаммаси кўнглидаги ўша туғанмас қўшиқнинг давомидай бўлиб туюлар ва ўша қўшиқ кўнглини энди тобора забт этиб олаётганини сезиб қоларди. У кузнинг аста-секин уйига ҳам бостириб кираётганини дафъатан сезиб қолди. Бир ойча олдин хазон боғнинг ўзида уйилиб ётганини кўрганди. Бир неча кундан сўнг эса хазон уй билан боғни ажратиб турган панжарадан ўтиб, йўлкага ҳам сирғалиб ўтганини кўрди. Бир хафтадан сўнг эса кечаси довул бўлди. Эрталаб у ишга отланаётганида даҳлизда иккита хазон ётганини кўриб қолди ва шунда куз ҳатто уйга ҳам бостириб кирганидан хурсанд бўлиб кетди. Хотини эса унинг кечаси деразани очиқ қолдирганидан норози бўлиб, хазонларни супуриб олди-да, ахлат челакка ташлаб юборди, сўнг худди юқумли касалликнинг жойини тозалаётгандек даҳлизни яхшилаб артди. Самандар шунда бу хазонлар боғдан менинг уйимга мадад излаб учиб келган деган ўйга борди, лекин бу ўйини хотинига айтиб масхара бўлишдан қўрқди.

Самандар бир кечаси дераза қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди. У ётган жойидан шошиб турди-ю, гарангсиб деразани ва юпқа ёғоч тўсиқни очди, юзига ёмғир ҳиди, сўнг томчилар урилди. У зим-зиё тунда деразани қоққан кишини қидириб аланглади, лекин ҳеч ким йўқ эди. Шунда у дераза менинг хаёлимда тақиллаган деб ўйлаб хотиржам тортди. Бироқ эртасига яна кимдир деразани шошиб қоқди. Самандар деразани очиб ҳеч кимни кўрмади. Яна ёмғир аралаш хазон қидини сезди ва энди ўзидан хавфлана бошлади.Фақат учинчи кунгина «безори»ни тутишга муваффақ бўлди: бу — деразаси ёнида ўсган кекса ўрикнинг шохчаси эди. Шамол турганда шохча силкиниб деразани тақиллатарди. Самандар шохчани ушлаб кўриб унинг ғадир-будир, совуқ эканини сезди, шохчада ҳаёт асари сезилмасди. Азбаройи шохчага раҳми келганидан унинг бандини бир-икки силади-ю, шохчага тегинмади. Унинг назарида куз ўзини безовта қилишга ҳақи бордай эди. Шохча ўзини эслатганидан хурсанд ҳам бўлди. Бир куни ишдан қайтганида шохчанинг узиб олинганини, қора чирик пўстлоғи қўли кесиб олинган енгдай осилиб турганини кўрди-ю, бу хотинининг иши эканини билди. Эрталаб хотини бир ҳафтадан бери дераза тақиллашидан ухлай олмай чиқаётганидан нолинган эди. Самандар шунда хотини билан ўзи орасида катта жар пайдо бўлаётганини англади: бу жар тобора катталашиб борарди, назарида хотини ҳеч қачон ўзини тушунмагандай туюлиб кетди. «Гўзалликни бўғиб қўйиш ҳам, гўзалликка нисбатан куч ишлатиш ҳам ер юзидан ҳаёт илдизларини суғуриб ташлаш билан баробардир» — дея ўйлади Самандар қандайдир китобдан ўқиган сўзларини хотирлаб. Самандар шу кунларда бутун вужудига қайдандир келаётган ҳазин оҳанглар сингиб бораётганини сезарди, бу оҳанглар қаровсиз боғдан таралаётгандай эди.

Самандар вужудида қандайдир таранг тортилган торлар бору, торлар боғдан келаётган оҳангларга акс садо бераётгандай туюларди. Баъзан торлар гўё танбур торларидай ғўнғиллаб кетарди. Баъзида эса ёмғирнинг боғни ҳафсала билан чўмилтираётганини деразадан томоша қилиб турар экан, ёмғир ўзининг кўнглидаги ғуборларни ҳам ювиб кетаётганини ҳис этарди.

Октябрнинг иккинчи ҳафтасида кун бирдан исиб кетди. Ердан, айниқса, боғдан буғ ва ҳовур кўтарилди. Ҳовурдан чирик хазон ҳиди анқирди. Ҳатто одамлар кўйлакчан юра бошлашди. Бу мавридсиз ҳароратга алданган боғнинг чеккасидаги майсалар яна қайтадан ям-яшил бўлиб бош кўтарди. Самандар ишдан эртароқ чиққанда қуёш ҳали ботмаган, майдалаб ёмғир ёғарди. Бутун шаҳар рутубат қўйнида эди. Самандар ишхона ёнидаги хиёбон оралаб кета бошлади. Хиёбон ўртасидаги фаввора атрофида одамлар гавжум эди. Ёмғир томчилари бошқа кундагига нисбатан бугун негадир одамларнинг завқини қўзғатиб юборганди.

Томчилар юзлардан оқиб ёқаларининг ичига кириб кетаётган бўлса ҳам негадир ҳеч ким жунжикмасди. Ёмғир томчилари илиқ ва роҳатбахш эди. Самандар фаввора ёнида томчиларга кафтини тутиб турган яшил ёмғирпўшли етти-саккиз яшар боланинг бошида тождай порлаб турган камалак ёйини кўриб, ҳайратланиб бир зум йўлак ўртасида тўхтаб қолди. Камалак боланинг бошида тождай яроқлар ва томчилар фонида товус патидай жимирлаб кетар эди. Бошида тож борлигини боланинг ўзи ҳам билгандай, юзида, кўзларида ғурур ва ҳайрат жилваланарди. Қўли билан ёмғир томчиларини қучоқлаб олмоқчидай шахти бор эди унинг. Салдан кейин бола катак-катак соябон кўтарган онаси билан зинадан кўтарилиб кетаётганда камалак ёйи боланинг белига осилиб қолди. Бу гўзал манзара эди. Бола ҳам ёмғир томчиларига юзини тутиш учун бир зум тўхтаганда камалак боланинг ёмғирпўши билан уйғунлашиб, яхлит бир сурат ясади. Энди камалак боланинг белида киличдай осилиб турарди. Бола эса онасининг тортқилашларига қарамай, ҳамон юзини осмонга тутиб турар, белида эса рангин шамшир ўйноқлар, бола ҳаракатига мос қилич бир йўқолиб, бир пайдо бўларди. Самандар токи бола зинадан ғойиб бўлгунча унга маҳлиё бўлиб қараб турди. У кўпдан бери бундай манзарани кўрмаганди. Кўрган бўлса ҳам парво қилмаган эди; олти ойча олдин табиат инъоми бўлмиш ҳар бир манзарада инсонни поклайдиган қандайдир синоат бор деса, у ўша кишининг устидан мазах қилиб кулган бўларди; ҳозир эса ташландиқ боққа қараб, ўзин кашф этар экан, ғафлатда бунчалик узоқ қолиб кетганига ҳайрон бўларди. Камалак энди зинанинг ўзида қолган ва енгил ҳилпираб турарди. Самандар хиёбондаги фавворaларда пайдо бўлган яна бир неча камалакка кўзи тушди. Фавворалар юқорига отилар экан, ёмғир томчиларига урилар, ёмғир томчилари эса ўзидан ранг-баранг камалакларни таратарди. Қуёш қия ботаётганидан Самандар турган жойдан фаввора устида ловуллаб атиргуллар очилгандай бўлиб кўринди. Фақат бу атиргулларнинг гулбарглари турли рангда эди. Фаввора атиргули ёмғир томчиларини енгиб, бир юқорига кўтарилар, шунда атиргулнинг яшил гулбарглари кўпаяр, бир пасга солланиб эгилар ва қизил гулбарглари ловуллаб кетарди. Самандар бир неча сония қотиб турди ва юраги ҳапқириб кетди; назарида фаввора устига осмондан қучоқ-қучоқ атиргуллар ёғилаётгандай бўлди. Хиёбондаги майсалар яшил кўйлак кийган болалардай завқ билан юзларини чайишарди.

Самандар бекат томон борар экан, яна икки марта бурилиб фавворага қаради. Энди у ерда камалак жилваланмасди.

Самандар кейинги кунларда ҳам шу манзаралар таъсирида юрди. У баҳорда эмас ёки саратонда эмас, айни бутун борлиқ хазон бўлишга, чиришга, сўлишга юз тутган фаслда ўз қалбидаги фаввора устига тушаётган гулларни кўрганидан хурсанд эди.

**Назар ЭШОНҚУЛ**

## «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Гурунгда истиқлол маънавияти шаклланишида, миллий ўзликни англашда матбуотнинг ўрни катта эканлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса холис танқид, унга муносабат борасида қимматлди фикрлар ўртага ташланди. Зеро, яширишнинг ҳожати йўқ, танқид деса сапчиб тушадиганлар бизда ҳали кўплаб учраб туради. Уларнинг назарида, матбуотда танқидга учраган киши гўё бадном бўлиб қолади. Бундай серҳадик кишилар қонида ҳали машъум 37-йилларнинг, яъни матбуот ҳам ҳукм қилувчи, ҳам инсоннинг юзига бир умр кетмас қора чапловчи мафкуравий таъқиб кучи бўлган даврларнинг асорати сақланиб қолган. Ҳолбуки, танқиддан мақсад аввало жамиятда учраб турадиган қусур-иллатларни йўқотиш эканлиги бугунги кунимизда икки карра иккидай аён бўлиб бормоқда. Демак, танқидга тўғри муносабатда бўлиб, ундан зарур хулосалар чиқариб олишга ўрганишимиз лозимлигини замоннинг ўзи биздан талаб қилиб турибди.

Маълумки, юксак талабларга жавоб берадиган журналист ҳам осмондан тушиб қолмайди. Журналист ҳам бугунги кунимизнинг фарзанди, кечаётган жараёнлар иштирокчиси ва айни пайтда кузатувчиси. Ҳамкасбларимиз ижодига ижобий туртки бўлиб хизмат қиладиган иккинчи ҳолатни биз 26 декабр куни очиладиган Ўзбекистон Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясидан кутмоқдамиз. Ўзингизга аён, сессияда журналистнинг лозим маълумотлар олиш ҳуқуқини таъминловчи «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги» тўғрисида ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Қонун эса нафақат имтиёз, балки энг аввало бурчдир. Демак, журналистларимиз юртимизда ҳақиқий, демократик давлатларга хос бўлган «тўртинчи ҳокимият», яъни эркин матбуотни тўлақонли шакллантиришлари учун янги-янги имкониятлар туғилмоқда.

## ҚАЛАМИНГИЗ ЎТКИР БЎЛСИН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт тарғиботи марказининг Самарқанд вилоят бўлими «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ёш қаламкаш» кўрик-танловини ўтказди.

Вилоятнинг қирқдан ортиқ ёш ижодкорларининг турли жанрларда битган асарлари нуфузли ҳайъат томонидан синчковлик билан ўқиб чиқилди.

Ёдингизда бўлса, биз «МТ» саҳифаларида бир йўла роман битиб қўя қолган талаба ҳақида хабар эълон қилгандик. Худди ўша хабаримиз қаҳрамони бўлган Уйғун Рўзиев ҳамда салоҳиятли қаламкаш Ойсара Ҳожиматованинг ижод намуналари ҳайъат томонидан юқори баҳоларга сазовор бўлди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

# ШАЙТОНСАРОЙ ФОЖИАСИ

Ижодкор ҳам шифокор. Негаки, у жамиятга ташхис қўяди, бизни юқумли касаллик янглиғ хавф-хатарлардан, рўй бериши мумкин бўлган фожиалардан огоҳ қилади. Хўш, инсонга хос хато-камчиликлар нимадан бошланади? Балки унинг асосида кўриб-кўрмасликка олган ноҳақликларимиз, билиб-билмасликка олган нуқсонларимиз, ўзимизни доимо ҳақ деб ҳисоблашимиз ётар... Таҳир Малик сизни етаклиб кирган Шайтонсарой мамлакати аъзоларининг аксарияти ҳам ўзини ҳақ деб санайди. Бу уларнинг фожиасидир. Чунки шайтон уларни ножўя йўлларга бошлаган. Бу йўлнинг бири борса келар, кейингиси борса хатар, сўнггиси борса келмасдир...

Шайтонсарой — Иморат. У кеча ё бугун қад ростламаган. Уни Шайтоннинг васвасасига учиб ўзимиз қурганмиз. Бу иморатга Қодирийу Чўлпонларни, яна қанчадан-қанча бегуноҳларни «халқ душманлари»га чиқарганимизда, ўз ота-боболаримизни «босмачи» дея эълон қилганимизда, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни топтаганимизда пойдевор қўйилган. Унга асадбеку, маҳмудларнинг кириб келишлари бежиз эмас. Уларнинг тақдири тарихимизнинг фожиавий варақларидир. Ана шу варақлар бўлмаганда эди, укаси Самандар туғилган янги йил арафасида Асадбекни истибдоднинг қонли қўли отаси, онаси, укасидан айириб тирик етим қилиб қўймас, қиморбозлар қўлига топширмас эди. Агар шу варақлар бўлмаганда эди, Аҳадбей ва Зелихонлар беватан қолмасди, Холидий сингари иккиюзламачи олимлар тарихни аввал бир хил, сўнг бошқача қилиб ёзишмас эди. Ва яна Шайтонсарой тўрига Элчин, Ҳайдар, Зайнаб ва Шарифлар илинмас эдилар.

Шайтонсарой ўзига хос салтанат. Унинг подшоси ва подшоликка даъвогарлари, вазирлари ва амалдорлари, қўриқчилари ва аъёнлари, ёзилмаган ўз қонунлари бор. Бу саройга кирадиган ўзига хос йўл ва йўлаклар, эшик ва тирқишлар, ичкарисида эса кишининг диққатини тортувчи гўзал аёллар, пул тўла ҳамёнлар, лавозим курсилари бор. Саройга кирар чоғингизда буларнинг эвазига бож сифатида ориятингиз номусингиз ва виждонингизни қиморга топширишингиз лозим.

Асадбекларнинг ўз тақдири учун оладиган қасоси, ички исёни эвазига қурилган Шайтонсарой кимсасиз оролда жойлашмаган. Уни сизу бизга ўхшаган одамлар ўраб туради. Шайтонсарой Ҳанс Христиан Андерсеннинг эртагидаги Қор маликаси салтанати сингари узоқда ҳам эмас. Шунинг учун замондош кейларнинг юрагини юмшатиш, қалб музларини эритиш учун танҳо бир киши эмас, кўпчилик ҳаракат қилади. Улар асадбекларнинг камчиликларини Жалилдек рўй-рост айтадилар. Йигиталидек ҳаёти хавф остида қолган туркларни уйларига беркитадилар. Ҳовузполвондек Чувриндидан ҳам яхши хислатлар топишга интиладилар.

Шайтонсарой салтанатининг ўчмас қонуни «Сендан угина, мендан бугина» деган асосга қурилган. Айтайлик, Асадбек терговчи йигитнинг акасининг қотиллари оёқ-қўлини боғлатиб, унинг уйига ташлатгани, Холидий каби илмсиз, ўта ғаразгўй кишига нафрат билан қараши, Анварнинг жиннихонадан, Шариф Номозовнинг қамоқдан чиқишига ёрдам кўрсатиши, Жалилнинг уй жиҳозларини ўзгартириб, уй таъмири учун пул бериши бежиз эмас. Бу ишларнинг бариси замирида муайян мақсад, режа мавжуд.

Асадбек аслида атрофдагиларни эмас, кўпроқ ўзини яхши кўради. Барча ишларни ўз обрў-эътиборини тиклаш ва уни йўқотмаслик учун қилади. Шу ниятда қизининг номусини топтаган Элчинни тезроқ куёв қилишга ошиқади. Шуни деб бегуноҳ Жамшидни ўлимга маҳкум қилади.

Асарда Ватан, ватанпарварлик мавзусига кўп эътибор қаратилади, Ватан, имон-эътиқод улуғланади. Масалан, Зелихон асли чечен фарзанди, боз устига, ўғри. Аммо ватанидан ҳайдалганида ўзига нон-туз берган ўзбек халқига хиёнат қилмайди. Унинг Ўзбекистонга, ўзбекларга бўлган ҳурмат-муҳаббати иккиюзламачи тарихчи Холидийнинг муҳаббатидан устундир.

Асарда Ҳақиқат икки китобни бирлаштириб турувчи образ сифатида гавдаланади. У Солиевнинг армонларида, Номозовнинг кечинмаларида, Анварнинг ожизлигида, Элчиннинг қора қисматида, Зайнабнинг орзулари поймол этилишида намоён бўлади. Бу ҳақиқат аввал камондай эгилган, сўнг аста-секин тўғриланаётган ҳақиқатдир.

Ҳақиқат ҳақида Анварнинг ҳам, Элчиннинг ҳам ўз тушунчаси бор.

Асарни композицион қурилиши жиҳатидан романга ҳам, қиссага ҳам тенглаштириш мумкин. Чунки унда фақатгина Шайтонсарой вакилларининг эмас, айни чоғда, бир неча оилалар тақдири ҳам қамраб олинган.

Асарда муҳаббат мавзуси асосан Зайнабнинг орзулари орқали тасвирланади. Зайнаб бу туйғуни жуда юксак қўяди. Бироқ табиатан таъсирчан маъсума қизни отасининг бешафқат ўйинлари ўз домига тортади. Унинг севги-муҳаббат ҳақидаги хаёллари, ўзини «Ўтган кунлар»даги Кумушга ўхшатиши Отабекнинг Кумушга айтган «Сиз ўшами?» деган сўзида тугайди. Тақдирнинг ҳазилини қаранги, Зайнаб ҳам Элчинни кўрганда худди шу сўзларни айтади. Аммо бу сўзни маъсума Кумуш севгилиси Отабекка эмас, балки ҳаёти барбод бўлган қиз етти ёт бегона кимсага қарата: «Сиз ўша номус ўғрисимисиз, ўша талончимисиз, менинг номимга, оиламизга иснод келтирган аблаҳмисиз», деган маънода айтади.

Тоҳир Малик ўз асарида экскурс усулидан кенг фойдаланади. Бу усул гоҳ ўтмишга саёҳат, гоҳ ниманидир эслаш асносида амалга оширилади. Натижада Кесакполвоннинг лақаби нима учун айнан шунақалигини билиб оласиз. Зелихон оиласининг Ўзбекистонга кўчиб келиши тафсилотлари билан танишасиз, Асадбекнинг отасидан келган хатларни яшириб қўйган хатчидан нафратланасиз.

Асарда фантастик унсурдай туюлган Нур образи бор. У Хаёл даражасига етиб, Асадбеклар фожиасини таг-туги билан очиб ташлайди. Шайтонсарой тақдири нимага маҳкумлигини билади. Нур — оқим, Хаёл сингари мавҳум эмас, моддий. У Чаён юлдузлар туркумидан келган қиз қиёфасида кўриниб, Зуҳро юлдуз туркумидан келган келгиндилар ҳақида сўзларкан, гап Шайтонсаройнинг Асадбек, Холидий ва шунга ўхшаган кимсалари ҳақида бораётганга ўхшайди. Зеро, Нур — Шайтонсаройдаги виждонли кишиларни озодликка чиқарувчи бир сўқмоқ. Аммо бу сўқмоқнинг охири ўлим билан тугаши кишини ачинтиради. Ўлимга маҳкум ва ёлғонга қурилган Шайтонсарой иморати қачондир қулаши маълум бўлгани ҳолда Анвар сингари пок виждонли кишиларнинг ҳаётда ўз ўрнини тополмаслиги адолатсизлик бўлиб туюлади. Муаллиф таши кўзларни қамаштирувчи, аммо ичи чиркин Шайтонсаройларга ҳавас қилувчиларга, уларни яратишни орзуловчиларга унинг аянчли тақдирини сўзлаб бераётгандек, ҳаммамизни фожиалардан огоҳлантираётгандек бўлади.

Энди икки оғиз «Шайтанат»нинг тили ҳақида.

Асарда воқеалар ривожининг тезлиги саҳна кўринишларининг тез-тез ўрин алмашиши, диалогларнинг қизиқарли, қисқа ва қаҳрамон феъл-атворига монандлиги орқали таъминланган. Монологлар фалсафий мушоҳада учун, қаҳрамон ҳолатини англаш учун бир бекатдек туюлади. Асарда кўп нуқталар бисёр. Улар ҳам асар қаҳрамонлари руҳиятини тушунтириш, китобхонни уларнинг ўй-хаёллари билан таништириш учун ишлатилгандай.

Ёзувчи Шайтонсарой аҳлининг ҳақиқий афт-ангорини очишда фолклор образларни қўллаган. Улар нафақат асарнинг бадиий қийматини ошириш, балки унинг ғоясини очиш учун ҳам хизмат қилган. Масалан: «Омад — фоҳиша хотин каби бугун сенга кулиб турса, эртага бошқага илжайиб қаражаги ҳам унга аён». «Нафрат — вужуднинг аллақаерида уйғонмоқ учун гўё буйракдаги тошдек фурсат пойлаб ётарди». «Алдоқчи ҳаёт киши билмасдан еб-ичиб қўядиган заҳарга ўхшайди. Киши заҳар борлигидан бехабар уни иштаҳа билан ер ва билмаски унда ўз ўлими яширинадир».

Оғриқ ҳақида Т. Малик шундай ўхшатишни ишлатади: «Қандайдир кўринмас куч темирчининг омбири билан юрагини сиқа бошлади». «Гўё ичига катта илон кириб, буралиб, тўлғониб кетди».

Ёзувчи ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, латифалар билан бирга, мақол-маталлар, панд-насиҳатлардан ҳам ўринли фойдаланади. Афоризмларни гоҳ ўз кўринишида, гоҳ ўзлашма ҳолда қаҳрамонлар тилига мослаб ишлатади. Қаҳрамонларнинг ҳақиқий исмидан кўра кўпроқ лақабларини келтиради. Воқеалардан сўнг чиқарилган мантиқий хулосалар эса гоҳо трагикомик жаранглайди. Мисол учун: «Улар қасамга ишонишмади — итга ишонишди». Қаршилантириш усулини қўллаш ҳам асарнинг таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилади: «Элчин устидан пуллар ёғилар эди — туйғулар эса топталарди». «Пули кўп — ақли калта», «Муштдек юрак — қоядек дард».

Адиб кўп ҳолларда қисқа жумлалар тузади. Воқеаларни ишонарли тасвирлайди. Бу ўқувчига муаллифнинг ўзига хос услуби борлигини эслатиб туради.

**Кавсар ТУРДИЕВА,**
**филология фанлари номзоди**

Боши учинчи бетда

# Дорга бош тикканлар



Хуросондаги сарбадорлар ҳаракати ҳақида кўплаб ўрта аср тарихчилари, жумладан, Ҳофиз Абру, Фасиҳ Хавофий, Мирхонд маълумот бериб ўтишган. Ҳатто, Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланган, асосан адабиётшуносликка оид «Тазкират уш-шуаро» ( «Шоирлар тазкираси») номли асарига Хуросон сарбадорлари ҳақида каттагина бир боб киритган. У сарбадорлар ҳаракатида фаол иштирок этган ва ўз асарларида уларнинг ғояларини куйлаган шоир Ибн Ямин Фарюмадий ҳақида ёзар экан, Хуросондаги сарбадорлар давлати тарихига бағишланган «Тарихи сарбадорон» («Сарбадорлар тарихи») номли асар йўқолиб кетганини айтиб, шундай дейди: «Аммо вақтиким, соҳиби тарихлар сарбадорларнинг аҳволоти баёнига ҳеч тааррuз қилғон эрмас эрдилар ва фузало аларнинг аҳволи бобида тарихе ёзғон эрмас эрдилар, вожиб кўрунди, бу тазкирада аларнинг тарихидан андак намудор бўлса, на учунким, ул тоифа жамоае эрдилар бо шижоат ва мардона ва муҳташам». («Тазкират уш-шуаро»нинг 1900 йилда Хоразмда Муҳаммад Рафеъ томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимасининг қўлёзма нусхасидан — Ғ. К.)

Сарбадорлар шижоатли ва мардона жамоа эканлигини бошқа муаллифлар ҳам қайд этиб ўтишган. Сарбадорлар ҳаракати энг аввало ажнабий босқинчилар ва уларнинг малайлари жабр-зулми ва истибдодига қарши қаратилган эди. Чингизхоннинг невараси Ҳалокухон асос солган элхонийлар давлати парчаланиб кетган бўлса-да, Эрон ва Хуросоннинг кўплаб вилоятларида ҳануз мўғуллар ҳукмронлик қилишарди. XIV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда сарбадорлар ҳаракатининг ташкилотчилари ва тарғиботчилари пайдо бўла бошлади. Сарбадорларнинг илк бор қўлларига қурол олиб курашга қўзғалишлари ўрта аср муаллифи Фасиҳ Хавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида тасвирланган. Қатор Шарқ мамлакатларининг бир неча асрлик тарихига оид муҳим маълумотларни ўз ичига олган бу қимматли асар таниқли шарқшунос олима Д. Юсупова томонидан рус тилига таржима қилиниб, тадқиқот ва илмий изоҳлар билан 1980 йили Тошкентда нашр қилинган. Эндиликда тадқиқотчи ушбу асарнинг ўзбекча таржимасини нашрга тайёрлашмоқда. Қуйида бу нодир тарихий манбадан сарбадорлар қўзғолонининг сабаблари ва моҳиятини тушунишга ёрдам берадиган кичик бир парча келтирамиз:

«Хуросонда пайдо бўлган сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши. Бу ҳақдаги ҳикоя қуйидагичадир: Сабзавор вилоятининг Боштин қишлоғида икки ака-ука Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамза яшардилар. Улар парҳезкор ва тақводор кишилар эдилар. Чопарлик хизматини адо этаётган бешта мўғул аскари уларнинг уйида тунаш учун тўхташди ва ака-укалардан май ва гўзал қизлар талаб этишди. Ушбу нарсаларни топишга қистаб, уларга нисбатан зўравонлик ва ноинсофлик қилишди. Мўғулларнинг қистовидан сўнг ака-укалардан бири қаердандир шароб топиб келтирди. Мўғуллар маст бўлишгач, гўзал қизлар талаб этишди ва тубан кетиб, уларнинг (ака-укаларнинг) хотинларини олиб чиқмоқчи бўлишди. Ака-укалар бир-бирига дейишди: «Биз бунга йўл қўймаймиз. Бунақанги шармандаликка чидаб тура олмаймиз. Яхшиси, бизнинг бошимиз дорга осилсин!» Улар яланғочланган қиличлар билан кириб бешала мўғулни чопиб ўлдиришди. Сўнгра уйларидан чиқиб: «Биз сарбадорлармиз, яъни (кураш йўлида) бошимизни дорга беришга ҳозирмиз», — деб хитоб қилишди».

Бошқа бир йирик тарихчи Ҳофиз Абру ҳам сарбадорлар ҳаракатининг пайдо бўлишини шунга яқин тарзда изоҳлайди: «Бир жамоа одамлар қуролланиб шундай дейишди: «Бизга чексиз жабр-зулм қилишмоқда. Агар Худойи таоло бизга ёр бўлса, биз зулмга чек қўйиб золимларни йўқотамиз, бўлмаса бошимизни дорда кўрайлик, илло жабр-ситамларга ортиқ чидолмаймиз». Улар бу аҳд-паймонни қилишгач, ўзларини шундай (яъни, сарбадор деб) номлашди ва шу тариқа сарбадорлик (ҳаракати) пайдо бўлди».

Сарбадорлар ҳаракати чинакам халқ қўзғолони бўлиб, унда аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ҳунармандлар ва деҳқонлар фаол иштирок этишган. Қўзғолончилар томонига ўтган юқори табақага мансуб айрим кишилар ҳарбий ҳаракатларга бошчилик этишади. Сарбадорлар Хуросонда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам бериб Сабзавор вилояти ва унга қўшни ҳудудларни ўз ичига олган давлат барпо этишади. Тарихда Хуросон сарбадорлари давлати номи билан машҳур бўлган бу давлат қарийб 45 йил (1337—1381) мавжуд бўлди. Сарбадорлар ўз давлатларида фуқаро аҳволини енгиллатиш учун бир қанча тадбирлар ўтказишгани тарихий манбалардан маълум. Масалан, улар хирож миқдорини анча камайтиришган, шариатга асосланмаган қўшимча солиқларни эса бутунлай бекор қилишган.

Сарбадорлар илгари сурган ғоялар ушбу ҳаракатнинг фаол иштирокчиси Ибн Ямин Фарюмадий ижодида ҳам акс этган. Асли туркий хонадондан келиб чиққан Ибн Ямин ўз шеърларини форс тилида ёзган. Унинг ижодидан сарбадорларнинг айрим ғоялари куйланган бир парчани келтириб ўтмоқ ўринлидир:

Набуд меҳтари ба рўзу шаб,
Бодайи хушгавор нушидан.
Ё таоми лазизро хўрдан,
Ё либоси латиф пушидан.
Ё бадон каски зирдаст буд,
Ҳар замон бесабаб хурушидан.
Ман бигуямки меҳтари че буд,
Гар бихоҳи зи ман шенидан.
Ҳамагонро зи ғам раҳонидан,
Дар риояти халқ кушидан.

Таржимаси:

**Улуғлик кечасию кундузи**
**Хуштаъм май ичишда эмасдир.**
**Ё лазиз таомлар емоқ**
**Ва яхши либос киймоқда эмас.**
**Ёки ўз қўл остидагиларга ҳар замон,**
**Бесабаб зуғум қилмоқ ҳам эмас.**
**Агар мендан эшитишни хоҳласанг,**
**Мен улуғлик нималигини айтаман.**
**Улуғлик барчани ғамдан фориғ этиш**
**Ҳамда халқпарварликка интилишдан иборатдир.**

**Ғулом КАРИМ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0735.
3041 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Абдунаби ҲАЙДАРОВ
1 2 3 4 5 6